


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Танлов комиссияси раиси
Д.Юлдашхужа
“28” 2022 йил



Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид ҳужжатлари.

Сотиб олиш мавзуси: Иқтисодий тараққиёт ва қабағалликни қисқартириш вазирлиги ҳудудидаги дарахт ва гуллардаги хар хил ҳашоротлар ва зараркунандаларни аниқлаш ва уларга қарши чоралар кўриш, ишлов бериш ва ўғитлаш хизмати.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қабағалликни қисқартириш вазирлиги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси.

Тошкент – 2022 йил.

**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармасининг вазирлик
худудидаги дарахт ва гуллардаги ҳашарот ва зараркунандаларни
аниқлаш, уларга қарши чоралар кўриш, ишлов бериш ва ўғитлаш
бўйича аутсорсинг фирмаларини хизматини жалб этиш тўғрисида
хуқуқий хулоса**

28.03.2022 йил

Тошкент ш.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси штат бирлигида бир нафар боғбон лавозими мавжуд аммо, боғбоннинг малакаси вазирлик худудининг 1200 м² жойида экилган дарахт ва гулларни парваришlash ҳамда кимёвий ишлов беришга етарли эмас.


Вазирлик худудидаги мавжуд дарахт ва гулларнинг аксарият қисми чет элдан олиб келинганлиги ва доимий равишда кимёвий ўғитлангириб ва уларни рацион асосида парваришlash тадбири талаб этилади.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон Республикаси худудида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш учун олиб келиниб экилаётган гул бута ва манзарали дарахт кўчатларини парваришlash, шакл бериш, суғориш ўғитлаш (химиявий озиклангириш) ва зараркунандаларга қарши ишлов бериш учун азот, калий, аммиак, карбамид, азот, фосфор, аммоний-сульфатли ўғитлардан фойдаланиш технологияси бўйича малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ишлар бошқармаси раҳбарияти ва комиссия аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланди.

Юқорида кўрсатиб ўтилганларни инобатга олиб бу йўналишда мутахассисларни жалб этиш келишуви қонун бузилиш ҳолатларига зид бўлмайди.

Юрисконсулт



У.Р.Адизов

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қабағалликни қисқартириш
вазирлиги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси
(ташкilot номи)

Энг яхши таклифларни танлаш ўтказилиши тўғрисидаги
Эълони

Танлашни ўтказиш шакли: танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.

Давлат буюртмачиси: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қабағалликни қисқартириш вазирлиги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

Харид предмети: Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси ҳудудидаги дарахт ва гуллардаги ҳар хил ҳашоротлар ва зараркунандаларни аниқлаш ва уларга қарши чоралар кўриш, ишлов бериш ва ўғитлаш хизмати.

Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шarti: бир ойлик иш хизматини нархи 20 000 000 сўмдан (қўшимча қиймат солиғини инобатга олиб) ошмаган ҳолда жами саккиз ой учун (апрель-ноябр) 160 000 000 сўм. Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати шартнома имзоланганидан сўнг 30.11.2022 гача.

Молиялаштириш манбаи ва валютаси: бюджетдан ташқари
маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

Тўлов шартлари: шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида (бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларда) олдиндан тўлов амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 70 фоизи тўлаб берилади.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: xarid.uzex.uz

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: Д. Юлдашхўжа тел.: 71 232 63 98 Манзили: И.Каримов45а

Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт: таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон килинганидан сўнг камида беш иш куни давомида, соат 9-00дан 18-00га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.

Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:

харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади;

мазкур танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади;

таклифларни таъминлаш учун иштирокчи буюртмачини ҳисоб рақамига закатат тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предметининг бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағни қуйидаги ҳисоб рақамларга ўтказиб бериши шарт:

СТИР: 201836883

х/р: 400110860262947011325140001

МФО: 00423

Банк номи: Ипотека банк Мехнат филиали

ш/х: 20210000600101595001

II -боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Мазкур танлашда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик шахси иштирок этиши мумкин.

Харид комиссияси дастлабки малака танловини ўтказди ва унинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш юзасидан қарор қабул қилади.

Дастлабки малака танлови харид қилиш ҳужжатларини 3-иловасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларни таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

таклифларни таъминлаш учун закатат маблағлари тўлиқ миқдорда ўтказилганлиги;
техник топшириққа доир талабларга мос келувчи таклифлар мавжудлиги;
шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги;
солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибасига эгалиги;

имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги.

Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси таклифларни танлаш бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар харид комиссиясига ўтказилаётган танлаш юзасидан тушунтириш бериш бўйича сўров юборишга ҳақли.

Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар ушбу сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Ушбу танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади.

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби

Дастлабки малака танлови харид қилиш тартиб-таомилининг бир қисми бўлиб, унинг натижаси давлат харидлари тўғрисидаги шартномани тузиш учун асос ҳисобланмайди.

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари барча учун бир хил ҳисобланади ҳамда давлат харидларининг асосий принципларига зид бўлмаслиги лозим.

Танлаш бошланишидан олдин харид комиссияси иштирокчиларнинг малакавий танловини ўтказди. Танлашнинг кейинги босқичига фақат малака танловидан ўтган иштирокчилар иштирок этишлари мумкин.

Дастлабки малака танловини ўтказиш учун талабгорлар харид қилиш ҳужжатларининг 4-илоvasида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Барча малака ҳужжатлари ташқи конвертга жойлаштирилган бўлиши керак.

Малака ҳужжатлари талабгор томонидан танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда ва харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида иштирокчининг таклифлари билан бирга юборилади.

Талабгорнинг тақдим қилган ҳужжатларининг тўлиқлиги харид комиссиясининг маъсул котиби (бундан буён матнда котиб деб юритилади) томонидан ўрганилади.

Бунда, котиб томонидан уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда иштирокчилар тақдим қилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ҳамда иштирокчилар ҳақидаги қуйидаги маълумотлар ўрганилади:

Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги маълумотлар (ёки бошқа мамлакатларнинг ўхшаш манбалари);

иштирокчи фаолиятнинг лицензияланган тури билан шуғулланганда, унинг “Лицензия” ахборот тизими ёки лицензияловчи органларнинг расмий сайтларидаги лицензиялар реестрида мавжудлиги;

иштирокчиларнинг махсус ахборот порталида инсофсиз ижрочилар реестрида, шунингдек тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи миқдорини камайтириш ҳуқуқини суистеъмол қилган корхоналар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

иштирокчининг ишбилармонлик обрўси тўғрисидаги, шу жумладан иштирокчиларнинг расмий веб-сайти, оммавий-ахборот воситалари, у аъзо бўлган тармоқ уюшмалари ва бирлашмалари ҳамда бошқа Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт ва тегишли ахборот тизимлари орқали олинган маълумотлар.

Котиб томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари харид комиссиясига тақдим этилади ва харид комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилади

Харид комиссияси қуйидагиларни кўриб чиқади ва баҳолайди:

котиб томонидан тақдим этилган ўрганиш натижаларини;

иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибаси;

иштирокчиларнинг молиявий ҳисоботлари, шунингдек солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилганлиги ёки ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги;

иштирокчиларга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

Иштирокчиларнинг малака танловини ўтказишда қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга йўл қўйилмайди ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди:

- малака танлови учун зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида топширмаган иштирокчилар;

- закатат маблағларини тўлиқ миқдорда ўтказиб берган иштирокчилар (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда);

- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;

- буюртмачига нисбатан суд ёки арбитраж муносабатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган иштирокчилар;

- имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) рўйхатдан ўтказилган ёки мазкур ҳудудларда банк ҳисобрақамлари очган иштирокчилар;

- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;

- манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;

- харид комиссияси томонидан ишчи-ходимлар малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси, иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки етказиб етказиб салоҳияти ва/ёки қуввати етарли эмас деб топилган иштирокчилар;

- илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган иштирокчилар.

Малакавий баҳолаш мезонлари харид қилиш ҳужжатларини 8-иловасида келтирилган.

Дастлабки малака танлови натижалари харид комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Харид комиссияси баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларнинг таклифларини рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда уларни хабардор қилади.

Дастлабки малака танловидан ўта олмаган иштирокчиларнинг техник ва нархга оид таклифлари кўриб чиқилмайди ва иштирокчиларга қайтариб берилади ва бу ҳақида иштирокчиларни таклифларини рўйхатга олиш китобида таклифларни қайтариб юбориш санаси ва вақти қайд этилади.

Малака ҳужжатларининг РЎЙХАТИ

1. Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза (харид қилиш ҳужжатларига 5-илова).
2. Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳри билан тасдиқланган нусхаси.
3. Закалат киритилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномасининг нусхаси ёки банк кафолатининг асл нусхаси (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда).
4. Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлиги, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи кафолат хатлари (харид қилиш ҳужжатларига 6-илова).
5. Дастлабки малака танловини ўтказишга ТАЛАБНОМА (харид қилиш ҳужжатларига 7-илова).
6. Молиявий ҳисоботлар (ташқи аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солиқ органлари томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланган ҳолда);
7. Иштирокчиларнинг ишбилармонлик обрўсини (ишчи-ходимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси) тасдиқловчи ҳужжатлар ;
8. Ташкилот (компания) раҳбарининг танлашда иштирок этиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, унинг ваколатли вакили номига ишончнома тақдим этиш талаб этилади. Бундай ишончнома қуйидагиларни амалга ошириш ваколатини беради:
 - ҳужжатларни тақдим этиш;
 - харид комиссияси йиғилишларида қатнашиш;
 - таклифи бўйича тушунтиришлар бериш.
9. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномаси.
10. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (харид қилиш ҳужжатларига 14-илова).

** Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши мумкин.*

Дастлабки малака танловини ўтказишга
ТАЛАБНОМА

Маълумотлар номи	Тўлдириш учун
1. Умумий маълумот	
Юридик шахнинг тўлиқ номи	
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	
Солиқ тўловчининг идентификация рақами/коди	
Тадбиркорлик фаолияти турлари (барча лицензияланган фаолият турлари кўрсатилсин)	
ИФУТ (агар қўллаш мумкин бўлса)	
Мақоми (ишлаб чиқарувчи, дилер, бошқа)	
Веб-сайти	
Электрон алоқа манзили	
2. Юридик манзил	
Мамлакат	
Худуд/вилоят	
Туман	
Шаҳар/аҳоли пункти	
Почта индекси	
Кўча	
Уй	
3. Ҳақиқий манзил	
Мамлакат	
Худуд/вилоят	
Туман	
Шаҳар/аҳоли пункти	
Почта индекси	
Кўча	
Уй	
4. Банк реквизитлари	
Асосий х/р, валюта х/р	
МФО / Банк коди	
Банк номи	
Банк манзили	
5. Қўшимча маълумотлар	
Бажарган ишлари ва лойиҳаларини кўрсатган ҳолда фаолиятини тавсифлаш	
Ходимларнинг умумий сони	
Устав капиталининг қиймати	
6. Талабгор тажрибаси тўғрисида маълумот	
Бозорда маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни етказиб бериш тажрибаси (йил)	
Охирги 3 йил давомида маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни етказиб беришда буюртмачилар томонидан билдирилган мулоҳазалар	
7. Молиявий баҳолашни амалга ошириш учун	

III -боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби

Танлаш таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасида амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар давлат тилида ва заруратга кўра бошқа тилларда тайёрланиши мумкин.

Иштирокчиларни таклифи матни бир нечта тилда расмийлаштирилиши натижасида матн талқинида тафовутлар юзага келган тақдирда, ўзбек ёки рус тиллари устунликка эга бўлади.

Техник ҳужжатларни инглиз тилида тақдим этилишига ҳам рухсат берилади. Бунда ҳужжатнинг ўзбек ёки рус тилидаги аниқ таржимаси тақдим этилиши шарт.

Буюртмачи ташлаш иштирокчиларидан харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сўров олганидан кейин сўралган тушунтиришларни икки иш куни ичида тақдим этади.

Иштирокчи ҳужжатлар тўпламини конвертларда топшириши керак. Тўпланда ташқи конверт (малака ҳужжатлари) ва ички конвертлар (таклифи) бўлиши керак.

Иштирокчининг таклифи харид комиссиясига танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича почта орқали ёки иштирокчининг ваколатли вакили орқали харид комиссиясининг масъул котибига қўлдан-қўлга тақдим этилади. Таклифлар солинган конвертлар иштирокчиларни таклифларини рўйхатга олиш китобида топширувчи ва қабул қилувчи шахслар имзоси остида, қабул қилишнинг санаси ва вақтини қайд этиш йўли билан қабул қилинади.

Иштирокчи:

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;

- фақат битта таклиф беришга ҳақли;

- таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Таклиф қуйидаги қисмлардан ташкил топади:

1) дастлабки малака танловидан ўтиш учун зарур маълумотлар;

2) буюртмачининг техник топшириғига мос келувчи иштирокчининг таклифи

Танлаш таклифи қуйидаги усулда расмийлаштирилади:

ташқи конверт;

малака танловини ўтказиш учун зарур ҳужжатлар ва иштирокчининг таклифи солинган 2 та дона ички конверт.

Ички ва ташқи конвертларнинг елимланган жойига иштирокчининг муҳри босилади.

Ташқи конвертда қуйидагилар мавжуд бўлиши керак: танлаш таклифини таъминлаш кафолатини тасдиқловчи ҳужжат (закалат кўринишида қўйилган тақдирда - тўлов топшириғининг нусхаси, банк кафолати бўлса - банк кафолатининг асл нусхаси), малака ҳужжатлари ва ички конвертлар.

Малака ҳужжатлари ип билан тикилган, рақамланган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Ташлашда қатнашиш учун таъминот кафолатини тасдиқловчи ҳужжат малака ҳужжатлари билан бирга тикилмаслиги керак.

Ташқи конвертда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- танлаш предметининг номи;

- иштирокчининг номи ва манзили;

- “Ташқи конверт” деган ёзув;

- буюртмачининг номи ва унинг манзили;

- “таклиф беришнинг охириги муддати келгунга қадар очилмасин” деган ёзувнинг бўлиши.

Ички конвертда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- танлаш предметининг номи;

- "Танлаш бўйича таклиф" тақдим этилган ички конверт, малака танловидан муваффақиятли ўтганидан кейин очилсин" деган ёзув;

Танлаш таклифида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

товар ишлаб чиқарувчи завод томонидан берилган ишончноманинг асл нусхаси (агар танлаш иштирокчиси таклиф этилаётган товар ишлаб чиқарувчиси бўлмаса);

махаллий ишлаб чиқарувчи эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ушбу харид қилиш ҳужжатларини 9-иловасидаги шаклга мувофиқ таклиф қилинган маҳсулот учун техник топшириққа доир талабларнинг қиёсий жадвали;

асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи заводларнинг Ўзбекистон Республикасида расмий ваколатли хизмат кўрсатиш марказларининг мавжудлиги тўғрисида хат ёки бошқа ҳужжатнинг асл нусхаси, манзил ва бошқа алоқа маълумотларини (телефон, факс, электрон почта, веб-сайт) кўрсатган ҳолда;

техник ҳужжатлар (тақдим этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган рисоалар ёки бошқа ҳужжатлар).

Танлашнинг нарх бўйича таклифи ички конвертга солинган ҳолда ва харид қилиш ҳужжатларини 10-иловасидаги шаклга мувофиқ тақдим этилади.

Харид комиссияси мазкур тартиб талаблари асосида расмийлаштирилган танлаш таклифлари солинган конвертларнинг бут сақланишини ва бир бутунлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Белгиланган муддат тугаганидан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

Танлаш таклифи харид ҳужжатларида белгиланган муддат давомида амал қилади. Иштирокчиларнинг танлаш таклифининг амал қилиш муддати танлаш таклифлари тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида 90 кунни ташкил этиши керак.

Харид комиссияси танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор харид комиссиясининг мажлисларида қабул қилинади.

Етказиб бериладиган товарларнинг нарх жадвали

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирилиги.	Миқдори	Ишлаб чиқарувчи мамлакат, ишлаб чиқарувчи заводнинг номи	CIP (DDP) шартларига кўра бир дона маҳсулот нархи	CIP (DDP) шартларига кўра миқдорга асосан маҳсулот қиймати
1						
2						

IV -боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби

Закалати таъминланмаган иштирокчиларнинг таклифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди (харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилган бўлса).

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда таклифларни қабул қилиш муддати тугаганидан сўнг харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш учун йиғилиш ўтказиладиган вақтни белгилайди ва бу тўғрисида йиғилиш ўтказилишидан камида бир иш куни олдин иштирокчиларни хабардор қилади. Агар иштирокчилар харид комиссияси мажлисига келмаса, танлаш таклифлари солинган конвертлар иштирокчининг иштирокисиз бир томонлама тарзда очилади.

Агар таклифни киритган танлаш иштирокчиси Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлаш иштирокчисининг таклифи харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

Баҳолаш пайтида харид комиссияси иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

Танлаш иштирокчилари таклифларини турли валюталарда тақдим этган ҳолларда, баҳолаш жараёнида таклиф қиймати конверт очилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ягона валюта курси бўйича қайта ҳисобланади.

Арифметик ёки бошқа хатоликлар аниқланган тақдирда харид комиссияси иштирокчиларини хабардор қилган ҳолда, таклифини рад этиш ёки келгусида кўриб чиқишнинг бошқа шартларини белгилаб беришга ҳақли.

Чет эллик ва маҳаллий иштирокчиларнинг таклиф этаётган нархларини объектив тарзда таққослаш мақсадида баҳолаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тегишли харажатлар ҳисобга олинади (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар).

Танлашда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига кўра ушбу маҳаллий

ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларни баҳолашда чет эллик етказиб берувчилар томонидан таклиф этилган нархдан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференциялар берилиши мумкин.

Иштирокчилар томонидан берилган таклифлар солинган конвертлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқиш ва баҳолаш учун қуйидаги кетма-кетликда очилади:

ташқи конверт очилади ва малака танлови ўтказилади;

малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг техник ва нарх таклифлари солинган ички конверт очилади.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

Иштирокчиларнинг техник ва нарх таклифлари солинган конвертини очиш жараёни вақтида буюртмачи томонидан видеоёзув амалга оширилади ҳамда конвертларни очиш жараёнида иштирокчиларнинг тақдим этган барча ҳужжатлари ва тижорат таклифининг нархи ўқиб эшиттирилади.

Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

Иштирокчиларнинг таклифлари харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида харид комиссияси комиссия аъзолари ва мустақил экспертлардан, тор доирадаги мутахассислардан иборат бўлган ишчи гуруҳ тузишга ҳақли.

Келиб тушган таклифлар харид комиссияси ёки мутахассислар иштирокидаги ишчи гуруҳи томонидан кўриб чиқилиб, баҳоланиши мумкин. Бунда, ишчи гуруҳи томонидан баҳоланганда харид комиссиясига хулоса шаклидаги ҳисобот тақдим этилади. Редакция ташкил этиш ва баҳолаши мумкинлиги.

Харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган техник хусусиятларга доир талабларга мувофиқлигини харид қилиш ҳужжатларини 11-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди

Танлашда нархи бошланғич нархдан ошган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

Иштирокчиларни таклифларини очишда, иштирокчиларнинг номлари, товарларнинг нархи ва таклиф қиймати, шунингдек ушбу харид ҳужжатлари талабларига мувофиқ, танлаш ҳужжатларнинг тўлдирилишининг тўғрилиги эълон қилинади.

Харид комиссияси ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида қайд этилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади.

Харид комиссияси иштирокчиларни нарх таклифини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини харид қилиш ҳужжатларини 12-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди. Иштирокчиларни техник қиемга—таклифларини баҳолашда уларнинг тўплаган баллари 1.60 баравар оширилган миқдорда қўлланилади ҳамда нархга өнд таклифларини баҳолашда уларнинг тўплаган баллари 1.40 баравар оширилган миқдорда қўлланилади (харид қилиш ҳужжатларини 13-иловаси).

- Танлашда техник ва нарх таклифларини баҳолаш натижаларига кўра харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида ҳамда иштирокчиларнинг тўплаган балларини инобатга олиб шартномани бажаришнинг

энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари баённомада қайд этилади. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида харид комиссияси таклифларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган танлаш иштирокчилари ҳақидаги ахборотларни қайд этади.

Баённома танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Иштирокчиларнинг таклифни таъминлаш маблағи, ғолиб аниқлангандан сўнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

Ғолиб иштирокчининг таклифни таъминлаш маблағи, шартнома шартлари тўлиқ бажарилгандан сўнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

**КОРРУПЦИЯ КЎРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА
АРИЗА**

Мен, _____ (харид тартиб-таомили иштирокчисининг номи кўрсатилади) товар етказиб бериш учун (таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг қуйидаги кўринишларига йўл қўймасликни кафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

- ўз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш;

- танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка зид тартибда расмийлаштириш;

- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга ошириш;

- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш;

- манфаатлар тўқнашувига;

- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириктириш;

- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

Раҳбарнинг Ф.И.Ш.: _____

Телефон/факс рақами: _____

Электрон почта манзили: _____

Имзо:

М.Ў.

№	Наименование требования	Тип значения	Значение	Обязательность	Метод оценки	Название файла (Обязательность прикрепления)	Макс. балл	Мин. балл	Уд. вес
1	Данные об участниках и гарантийное письмо	Текстовое значение	Текстовое значение	Критично	Экспертная	Данные об участниках и Гарантийное письмо(Обязательное)	25	0	25
2	Информация о персонале, оборудовании и лекарствах	Текстовое значение	Текстовое значение	Критично	Экспертная	Информация о персонале, оборудовании и лекарствах(Обязательное)	25	0	25
3	Список организаций, выполненных аналогичных работ	Текстовое значение	Текстовое значение	Критично	Экспертная	Список организаций, выполненных аналогичных работ(Обязательное)	25	0	25
4	Наличие свидетельства, , свидетельства аккредитации, лицензии, сертификатов и разрешительных документов, необходимых для выполнения работ (оказания услуг)	Текстовое значение	Текстовое значение	Критично	Экспертная	Наличие свидетельства, , свидетельства аккредитации, лицензии, сертификатов и разрешительных документов, необходимых для выполнения работ (оказания услуг) (Обязательное)	25	0	25